Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 21-may, payshanba, № 63 (3568)

Ўзбекистон деб аталган шу табаррук заминга эзгу ният билан бир ниҳол экмоқчи бўлсак, уни айнан шу бугун экишимиз керак.

Ислом КАРИМОВ

МУСТАҚИЛЛИК ИНШООТЛАРИ

Истиқлол шарофати билан амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари натижасида пойтахтимиз кун сайин чирой очмоқда. Азим шаҳарга кўрк бағишлаб турган муҳташам бинолар, гўзал боғу хиёбонлар, кенг ва равон йўлларни кўриб кўзингиз қувнайди. Бу ўзгаришлар хорижликларни ҳам ҳайратга солаётгани эътиборга сазовор.

БУНЁДКОР ЭЛНИНГ ҲИММАТИ

Айниқса, Эски шаҳар аҳолиси учун яратилаётган замонавий шароитлар бу жойнинг номига ислоҳ киритишни талаб этаётир. Яқинда Себзор кўчаси бўйлаб Абдулла Қодирий кўчаси устидан ўтадиган янги кўприкнинг фойдаланишга топширилгани пойтахтимиз ҳуснига янада ҳусн қўшди.

Президентимиз ташаббуси билан икки йил муқаддам Хадра майдонида улкан қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилгани, аҳоли ва транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун қулай имконият яратиш мақсадида Фурқат кўчасини Зарқайнар ва Себзор кўчалари билан боғлайдиган ер ости автомобил йўли реконструкция қилингани ёдимизда. Янги йўл иншооти эса тошкентликлар ва меҳмонлар учун яна бир улкан туҳфа бўлди.

Эни 26, узунлиги қарийб 500 метр бўлган ушбу замонавий кўприкнинг бунёд этилиши ва Абдулла Қодирий кўчасининг ҳар бир йўналиши тўрт полосали қилиб кенгайтирилиши шу пайтгача дуч келинган кўпгина ноқулайликларга чек қўйди. Ҳозир бу кўчада ҳеч қандай тирбандлик кузатилмайди, транспорт воситаларининг эркин ҳаракатланаётганига кўзингиз тушади. Кўприкнинг икки томонида барпо этилган пиёдалар учун 102 ва 111 метрлик иккита ер усти ўтиш йўлаги йўлсозлигимизда янгилик бўлди. Уларга чиқиб-тушиш учун зинапоя билан бирга эскалатор ва лифт ҳам қурилган, ёғин-сочинли кунларда ҳимояланиш мосламалари ўрнатилган. Буларнинг барчаси пиёдалар ҳаракатига ҳам қулайликлар яратиш инобатга олинганини англатади.

Шунингдек, Себзор кўчаси орқали 98 метрлик яна бир ер ости йўли ишга тушиши натижасида пиёдалар чорраҳанинг тўртала томонига ҳам хавфсиз ўтиш имконига эга бўлди.

Бугун бу ердаги манзара маза қилиб ҳордиқ чиқарадиган сўлим масканни кўз олдингизда намоён қилади. Бунёдкорликлар баробарида Абдулла Қодирий кўчасида амалга оширилган кенг кўламли кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш юмушлари туфайли атроф ўзгача кўриниш касб этган. Йўл бўйига экилган каштан, эман ва лола дарахтлари, райҳонлар дилни яйратади.

— Дунё дунё бўлиб Тошкент бундай жадал ўзгаришларга гувоҳ бўлмаган, — дейди Олмазор туманидаги «Тахтапул» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдураҳим Тошпўлатов. — Жуда қисқа муддатда, яъни саккиз ой ичида замонавий, муҳташам кўприкнинг барпо этилиши йўлсозлик соҳасида қандай натижаларга эришганимизни кўрсатади. Пиёдалар учун қурилган ўтиш йўлакларини айтмайсизми. Айниқса, кексалар, ногиронларга қулайлик яратиш мақсадида лифт ва эскалаторлар қурилгани таҳсинга сазовор. Қолаверса, шаҳар ландшафти ҳам ҳисобга олинган. Хуллас, бу ерлар шаҳримизнинг гўзал масканига айланган. Бундай кўркам ва фусункор манзарага боқиб тўймайсан. Ҳақли равишда айтишимиз жоизки, мазкур бунёдкорликлар замирида истиқлолимиз берган имкониятлар, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ётибди. Шундай дориламон кунларнинг қадрига етиш, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз.

— Пойтахтимиз қиёфаси жаҳоннинг манаман деган шаҳарларидан қолишмайди, — дейди меҳнат фахрийси Маъмуржон Раззоқов. — Буюк Британиянинг нуфузли «Экономист» журналининг баҳосига кўра, Тошкент шаҳри дунёдаги яшаш учун энг қулай бўлган 140 шаҳар орасида 58-ўринни эгаллагани бунинг исботидир. Истиқлол йилларида Тошкентда юз кўрсатаётган улкан ўзгаришларда Президентимизнинг ташаббуси ва раҳнамолиги беқиёс аҳамият касб этаётганини таъкидлаш жоиз. Ушбу йўл иншооти ва ободончилик ишларини олиб қаранг. Ким ўйлаган дейсиз, транспорт воситалари ва пиёдалар учун шундай қулайликлар яратилади, йўл бўйлари гўзал кўриниш касб этади деб. Бугун бу ердаги манзаралардан баҳра олиш учун одамлар оқиб келяпти. Ҳақиқатан, ушбу манзил кўрган кўзни қувнатувчи обод гўшага айланган. Эски шаҳарда яна қўплаб бундай бунёдкорликлар амалга оширилиши кўзда тутилаётгани эса барчамизга қувонч бағишлайди.

Ватанимизнинг юраги бўлган азим Тошкентда кечаётган бугунги ўзгаришлар тараққиётимиздаги юксалишлардан ёрқин далолатдир. Зеро, тинч-осойишта, ҳур ва озод элдагина шундай ривожланишлар бўй кўрсатади.

Тўлқин ШЕРНАЕВ,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар

МУНОСАБАТ

Ўзбекистонда иқтисодиётни янада либераллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш, эркин рақобат муҳитини шакллантириш, хорижий сармояларни жалб этиш, умуман олганда, соҳани янада ривожлантириш мақсадида тизимли ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда.

МУЛК ЭГАЛАРИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯДА

Айниқса, республикамизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик фаолияти йўлидаги тўсиқ ва ғовларни олиб ташлаш борасида Президентимиз томонидан мунтазам равишда қабул қилинаётган фармон ва қарорлар соҳа ривожига катта туртки бермоқда.

Яқинда қабул қилинган «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон ҳам ана шу мақсад йўлида қўйилган навбатдаги муҳим қадамлардан бири ҳисобланади.

Фармон билан хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Умуман олганда, бир неча бандлардан иборат мазкур Фармонда асосий эътибор тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашган мансабдор шахслар жавобгарлигини жиноий жавобгарликка тортиш даражасигача ошириш, молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширувлар ўтказиш муддати 10 календар кунидан ошмаслиги каби бир қатор қатъий талаблар белгилаб қўйилди.

Шунингдек, ҳуқуқ-тартибот органлари ва бир нечта дахлдор давлат ташкилотларига ҳам тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг эркин фаолиятини таъминлаш мақсадида қатор тегишли вазифалар юклатилди.

2012-2014 йилларда хусусий мулк мавқеини ошириш ва уни ҳимоя қилиш, ишбилармонлик муҳити ва бизнес юритиш шароитларини янада яхшилашга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг ўн бешдан ортиқ қонуни, жумладан, "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида", "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида (янги таҳрирда)", "Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида", "Рақобат тўғрисида", "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида" ва бошқа қонунлар қабул қилинди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56 фоизга етди, иш билан банд аҳолининг 77 фоизи ушбу соҳада меҳнат қилмоқда.

Президентимизнинг мазкур Фармони кичик бизнес ва тадбиркорликни янада ривожлантириш, соҳада учрайдиган муаммо ва камчиликларни, хусусан, унинг тараққиётига ғов бўлаётган тўсиқларни олиб ташлашга катта ёрдам бериш билан бирга, тадбиркорлар ҳуқуқий манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлашга хизмат қилади.

— Мустақилликнинг илк йиллариданоқ Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилаётган, бугунги кунда ўзининг юксак самарасини бераётган Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли — "ўзбек модели" дунё миқёсида тан олинмоқда, — дейди Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги "Т.Гулобод" хусусий фирмаси раҳбари Турсунхўжа Аҳмаджонов. — Истиқлол берган имкониятлар туфайли 1996 йилдан буён хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиб келаман. Туманда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бўйича шохобчалар ташкил этганман. Кейинги йилларда ҳукуматимиз томонидан тадбиркорларга берилаётган имтиёзлар, яратилаётган қулай шарт-шароитлар натижасида фирма фаолиятини кенгайтиришга эришдик. Маҳаллий ёшлар учун янги иш ўринлари яратилди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда тадбиркорларга ҳуқуқий кўмак кўрсатиш, фаолияти билан боғлиқ ҳужжатларни ишлаб чиқиш борасида бирмунча ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, "Оилавий корхона учун меҳнат муҳофазаси тўғрисида" Низом ҳамда "Кичик бизнес субъектлари учун меҳнат муҳофазаси бўйича" Қўлланма ишлаб чиқилган. Тармоқ касаба уюшмаси тизимидаги касб-ҳунар коллежларида ёшларни тадбиркорликка қизиқтириш мақсадида кичик бизнес вакиллари билан учрашувлар ташкил этилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида касаба уюшмалари бошланғич ташкилотларини тузиш, соҳада меҳнат қилаётган инсонларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш борасида ҳам кенг кўламли ишлар олиб борилаётир. Биргина 2014 йилда 3991 та шундай муассасада бошланғич касаба уюшма ташкилотлари тузилиб, 43760 нафар меҳнаткаш касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилинди.

А.ҒАНИБОЕВ,
Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бош юристконсулти

КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК?

СОҒЛОМ ХАЛҚ, СОҒЛОМ МИЛЛАТГИНА БУЮК ИШЛАРГА ҚОДИР

Инсоннинг табиати қизиқ. Бирор қимматбаҳо буюмини йўқотса қаттиқ куюнади, ўзини ўтга-чўққа уради. Бироқ, негадир, ҳар нарсадан қимматроқ бўлган соғлиғини кўп ҳам ўйламайди. Аслида, инсон учун саломатликдан азиз ва бебаҳо неъмат йўқ.

Тасаввур қилинг, эллик ёшлар чамасидаги икки киши рўпарангиздан чиқиб қолди. Бирининг сочига оқ тушиб, кўзидан нур кетган, қадди ҳам букилган. Иккинчиси эса қирчиллама, юзидан нур ёғилиб турибди. Ваҳоланки, иккови ҳам соғлик ҳаёт тарзи пойдевори эканини яхши билади. Аммо ўз соғликлари учун курашишга бири жиддийроқ киришган, иккинчиси лоқайд қараган. Демак, тетиклик истаган одам бунинг учун етарли даражада ҳаракат ҳам қилмоғи зарур!

Ўтган асрнинг шу даврига назар ташласак, ҳозирги ҳаётимиз нақ жаннат бўлиб кўринади. Ўшанда ўртача умр 35-40 ёшларни ташкил этган экан. Чунки тасодифий эпидемиялар, мавсумий касалликлар ва турли бахтсиз ҳодисалар туфайли организмдаги жароҳатланишларни ўз вақтида даволаш имкони деярли бўлмаган. Юртимизда тиббиёт муассасалари саноқли бўлиб, қолаверса, кўплаб касалликларни даволовчи мутахассис шифокорлар ҳам жуда озчиликни ташкил этган.

ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИДАН ЎТАЯПМИЗ

Соғлом одамгина куч-қувватга тўлади, фикри дадил ва қадами залворли бўлади. Президентимизнинг "Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир", деган сўзлари барчамиз учун қоидага айланмоғи лозим.

(Давоми 3-саҳифада).

Ярмаркада ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва оптималлаштириш, ресурс тежаш, маҳаллий хомашёдан фойдаланиш, маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, импорт ўрнини босиш ва экспортни кенгайтиришга йўналтирилган беш юзга яқин инновацион технология ва лойиҳалар тақдим этилган. Улар саноат ва қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, ахборот технологиялари, энергия тежайдиган технологиялар, илм-фан ва таълим соҳаларини қамраб олган.

ИЛМ-ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ

«Ўзэкспомарказ»да VIII Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси давом этмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан ўтказиб келинаётган ушбу анъанавий ярмарка илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграциялаштиришда муҳим воситага айланди. Ярмарка мамлакатимиз ва хорижий корхоналар вакиллари, фермер ва инвесторлар эътиборини ўзига янада жалб этмоқда. Шартномалар тузиш тартиб-таомилларини енгиллаштириш мақсадида ярмаркада мамлакатимизнинг етакчи банклари ва суғурта компаниялари, Интеллектуал мулк агентлиги мутахассислари иш олиб бормоқда.

— Электр энергиясини компенсация қиладиган қурилмани харид қилиш бўйича 10 миллион сўмлик шартнома туздик, — дейди Жиззах вилоятидаги "Наврўз ота" фермер хўжалиги раҳбари Гулбой Содиқов. — Жиззах политехника институти мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган ушбу қурилма сарф-харажатларни қисқартириш имконини беради. Биз илғор технологияларни харид қилиш учун қулай шароит яратган ярмарка ташкилотчиларидан миннатдормиз.

Ярмарка ёш олимлар ва олий ўқув юртлари талабалари учун ҳам самарали ўтмоқда. Уларнинг кўплаб ғоя ва ишланмалари махсус бўлимда намойиш этилаётир. Мутахассисларнинг фикрича, тупроқни картошка экишга тайёрлайдиган агрегат катта истиқболга эга. Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти докторанти Учқун Қодиров ушбу машина модели билан иштирок этмоқда. Агрегат тупроқни юмшатиш ва ўғитлаш, жўяк олиш каби қатор функцияларни бажаради. Ёш олимнинг сўзларига кўра, мазкур қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш учун зарур бутловчи қисмларнинг барчаси мамлакатимиздаги заводларда тайёрланади.

(Давоми 2-саҳифада).

Ҳам назарий, ҳам амалий >> 2

Имконият калити >> 3

Алланинг сеҳрли оҳанглари >> 4

2015-yil 21-may, payshanba, № 63 (3568), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

КАСАБА УЮШМАЛАРИДА ҳисобот-сайловлар йили

ИШЧАНЛИК ВА ОШКОРАЛИК РУҲИДА

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Гулистон туман кенгашининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда 2010-2015 йиллар ичидаги фаолият бўйича туман кенгаши раиси Илҳом Аллашукуров ҳамда туман ташкилоти тафтиш комиссияси раиси Д.Рустамова ҳисобот берди.

Музокарада сўзга чиққан Бешбулоқ маиший хизмат касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Д.Саидқулова, туман ободонлаштириш бошқармаси касаба уюшма қўмитаси раиси А.Сиддиқов, коллеж касаба уюшма қўмитаси раиси И.Жониқулов ҳисобот давридаги камчилик ва нуқсонлар ҳақида сўз юритиб, келгусидаги вазифалар юзасидан таклифларини билдиришди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг ташкилий ишлар бўлими бош мутахассиси С.Сайфуллаев конференцияда сўз олиб, олдинда турган муҳим масалалар хусусида тўхталди.

Шунингдек, касаба уюшмаси туман кенгаши таркиби, тафтиш комиссияси аъзолари ва вилоят ташкилоти конференциясига делегатларни сайлаш масалалари муҳокама этилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклифи билдирилди.

Конференцияда муҳокама қилинган масалалар бўйича қарорлар қабул қилинди.

И.БЎРИЕВ,
тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Сирдарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Жорий йилнинг феврал-апрел ойларида вилоятимиздаги 2177 та бошланғич касаба уюшма ташкилотида ҳисобот-сайлов йиғилишлари, конференциялари бўлиб ўтди. Йиғилишларда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашларидан раҳбар ва масъул ходимлар иштирок этишди.

Янгибозор "Пахта тозалаш" акциядорлик жамияти, "Урганч-Бахмал", "Урганчтрансгаз", "Хоразмавтойўл", "Хоразм шакар" корхоналарида, Янгиариқ тиббиёт бирлашмаси, Урганч давлат университетида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишлари намунали тарзда ташкил қилинди.

Вилоятда тўртта тармоққа мансуб бўлган 44 та туман, шаҳар кенгашларида 2015 йилнинг май ойида ҳисобот-сайлов конференцияларини ўтказиш бўйича жадвал тасдиқланди ва тегишли тайёргарлик ишлари олиб борилди.

Дастлаб Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Янгибозор туман кенгашининг ҳисобот-сайлов конференцияси юқори савияда ўтказилди. Конференцияга тармоқ касаба уюшмаси тизимидаги барча туман, шаҳар кенгашларининг раислари, тумандаги бошқа тармоқларга мансуб туман кенгашлари раислари, шунингдек, тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашларининг вилоят бўйича масъул ташкилотчилари таклиф қилинди.

Унда туман ҳокими О.Мадраҳимов, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Р.Жабборов иштирок этиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Туман кенгашининг беш йиллик фаолияти юзасидан кенгаш раиси Раимбой Шержанов ҳисобот берди.

Кенгашнинг ҳисобот давридаги фаолияти қониқарли деб топилди. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ҳам кўпчилик овоз билан тасдиқланди ҳамда тегишли қарорлар қабул қилинди.

Озод ОТАЖОНОВ,
Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташкилий ишлар бўлими мудири

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Нарпай туман кенгашининг V ҳисобот-сайлов конференцияси ошкоралик руҳида ўтди. 2010-2015 йиллар оралиғидаги фаолиятга баҳо берилиб, тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тингланди.

— Бугунги кунгача Булунғур, Жомбой, Каттақўрғон, Пахтачи туманларида тармоқ касаба уюшмасининг ҳисобот-сайлов конференциялари бўлиб ўтди, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Самарқанд вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Ифтихор Раҳимов. — Конференция олдидан ўнга яқин бошланғич ташкилотлар фаолияти билан танишганимиз, билдирилган фикр-мулоҳазалар ўз самарасини берганидан хурсандмиз. Минтақада тизим мақомининг ошиши учун катта тайёргарлик кўрилгани ҳисоботлар мазмунини оширганини кўриб турибмиз.

Янги муддат учун сайланган таркиб аъзолари якдиллик асосида Обрўй Салоҳиддинов номзодини кенгаш раислигига лойиқ топишди.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
"Ishonch" мухбири

ЎҚУВ

ЎзКУФК Ўқув марказида Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан тизимдаги бошланғич касаба уюшма қўмиталари раисларининг малакасини ошириш мақсадида ўқув ташкил этилди.

ҲАМ НАЗАРИЙ, ҲАМ АМАЛИЙ

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият олиб бораётган бошланғич касаба уюшма ташкилотлари етакчиларига ўзаро тажриба алмашиб, қизиқарли маърузалар ва очиқ мулоқотлар асосида билимларини янада бойитиш имкони яратиб берилди. Амалий машғулотлар давомида тингловчилар «18-Автобус саройи» акциядорлик жамиятида бўлиб, касаба уюшма қўмитаси фаолияти билан яқиндан танишдилар.

— Корхона касаба уюшма қўмитасида 20 йилдан буён ишлайман, — дейди касабақўм раиси Мақсуда Адилова. — Жамоамизда 589 нафар ишчи-ходим меҳнат қилади. Шундан 73 нафари хотин-қиз. 2013-2015 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномамизда ходимларга тегишли барча имтиёзлар ўз аксини топган. 320 нафар ҳайдовчининг барчаси махсус қишки ва ёзги кийим-бош билан таъминланган. Бундан ташқари, ноқулай шароитда ишловчи 20 нафар ишчига бепул сут ва қатиқ маҳсулотлари бериб борилади. Муҳими, ҳар бир ишчи меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқномадан хабардор. 40 йил муқаддам 30 та автобус билан иш бошлаган корхонамизда эндиликда 168 та замонавий, турли русумдаги автобуслар 19 йўналишда аҳолига беминнат хизмат кўрсатмоқда. Иш берувчи билан биргаликда ходимларга муносиб ва қулай меҳнат шароити яратиш учун барча чораларни кўраётирмиз. Шу йили 4 нафар ходимга «Оқтош», «Чинобод», «Чимён» санаторийларига имтиёзли йўлланмалар бердик. Бу каби хайрли ишлар йил давомида амалга оширилади.

Корхонадаги меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш тартиб-қоидалари, жамоа шартномасининг бажарилиши, маданий-маърифий, соғломлаштириш тадбирлари борасидаги қатор ибратли ишлар ташриф буюрган етакчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Ўқув давомида тингловчилар пойтахтимиздаги бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишишди.

Гўзал НОРЧАЕВА,
"Ishonch" мухбири.
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

«Зебо» хусусий корхонасининг раҳбари Абдуллажон Йўлдошев электр трансформаторларини таъмирлашга ихтисослашган кичик фирма ташкил этди.

ТОШЛОҚ ТРАНСФОРМАТОРЛАРИ

— Асосан турли ҳажм ва кучланишдаги электр трансформаторларини йиғиш ҳамда таъмирлаш, уларга техник хизмат кўрсатиш, электр ускуналари учун махсус қутилар тайёрлаш билан шуғулланамиз, — дейди А.Йўлдошев. — Ҳозирги кунда корхонамизда 25 киловаттдан 1000 киловаттгача қувватга эга трансформаторни йиғиш ва таъмирлаш имконияти мавжуд. «Алоқабанк» акциядорлик тижорат банкининг Фарғона филиали корхонани молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётир. Жумладан, яқинда зарур эҳтиёжлар учун 85 миллион сўмлик кредит банк томонидан ажратилди.

Тадбиркор келгусида корхона фаолиятини янада кенгайтириб, 10 та янги иш ўрни яратишни мақсад қилган.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,
меҳнат фахрийси

ИЛМ-ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот муассасалари стендлари кўпчилик эътиборини тортмоқда. Уларда иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, жумладан, нефт-газ, кимё, фармацевтика саноати, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, муқобил энергетика ва бошқа жабҳалардаги устувор вазифаларни бажаришга йўналтирилган юздан зиёд инновацион ишланма ва лойиҳалар намойиш қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Биоорганик кимё институти стендларида фармацевтика саноатининг сўнгги ютуқлари тақдим қилинмоқда. Гриппга қарши маҳаллий хомашёдан тайёрланган "Рутан" дори воситаси шулар жумласидан. Мазкур маҳсулот барча рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтган ва тез орада дорихоналарда сотувга чиқарилади.

Ярмаркада Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти тупроқ унумдорлигини оширишга мўлжалланган "Триходермин" биопрепаратининг модификация қилинган намунаси билан иштирок этмоқда.

— Ушбу восита ўсимликлар касалликларининг олдини олиш ва уларга қарши курашишда кенг қўлланилади, — дейди институтнинг катта илмий ходими, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Нигора Тиллахўжаева. — Бундан олдинги препаратларнинг сақланиш муддати жуда қисқа эди. Янги биотехнологияларни қўллаш самарасида ушбу муддатни 6 ойгача узайтиришга эришдик.

Ярмаркада соғлиқни сақлаш соҳасига доир кенг турдаги ишланма ва янги услублар ҳам намойиш этилмоқда. Бу борада Республика онкология илмий маркази мутахассисларининг ютуқлари диққатга сазовордир. Иммунология, молекуляр биология, биотехнология ва генетиканинг замонавий ютуқларига асосланган илмий тадқиқотлар самарасида экстракорпорал қон терапияси услуби яратилди. Бу янгилик кўкрак бези саратони билан касалланган беморларни даволаш самарадорлигини оширади. Марказ ўсмага қарши қўлланиладиган янги "Дэкоцин" ва "Дековин" малҳамларини ҳам таклиф этмоқда.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ишланмаларга бағишланган стендлар ҳам гавжум. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш маркази "BPR.UZ" ахборот-таҳлил тизимини намойиш этмоқда. Бу тизим давлат бюджети сарф-харажатларини оптималлаштиришга мўлжалланган. "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси хавфсизлик даражаси юқори бўлган оптик коммутация қутиси, кабел узилган жойни аниқлайдиган қурилма ва бошқа янгиликлардан иборат инновацион лойиҳалар тўпламини тақдим этмоқда.

Икки кун давомида ярмаркада қиймати 11 миллиард сўмдан зиёд 400 га яқин шартнома ва аҳдлашув протоколлари имзоланди.

М.ҚАРШИБОЕВ,
ЎзА мухбири

ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИ АМАЛДА

ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗАЛАР

фаолиятни янада жонлантиради

Жорий йилнинг феврал, март, апрел ойларида корхона, ташкилот ҳамда муассасаларда асосий норматив ҳужжат ҳисобланган жамоа шартномаларини қабул қилишга бағишланган умумий йиғилишлар ва бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди. Мазкур жараён Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги бошланғичларда қандай кечди? Мухбиримиз тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг ижтимоий ҳимоя бўйича бош мутахассиси Нормамат Сатторов билан шу мавзуда суҳбатлашди.

— Жамоа шартномалари ишловчилар манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутаётир, — дейди Нормамат Сатторов. — Шу боисдан ҳам аъзоларимиз мазкур ҳужжат лойиҳаларининг цех, бўлим ва бўлинмаларда муҳокама этилиши жараёнида ўз таклифлари, кези келганда, эътирозларини очиқ-ойдин билдирган ҳолда фаол иштирок этди.

— Мазкур ҳужжат лойиҳаларида асосий эътибор қайси йўналишларга қаратилди?

— Янгидан қабул қилинаётган жамоа шартномаларини муҳокама этиш чоғида ишчи-хизматчилар даромадларини ошириш, янги иш ўринларини ташкил этиш, ёш мутахассисларни иш билан таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, кўп йиллик меҳнат стажига эга бўлганларнинг йиллик меҳнат таътилларига қўшимчалар бериш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, соғломлаштириш, маошларни ўз вақтида берилиши каби бир қатор масалаларга алоҳида эътибор берилди. Чунки ушбу омиллар ижтимоий ҳимоянинг муҳим шарти ҳисобланади. Корхонада узоқ йиллар меҳнат қилиб пенсияга чиққан ходимлар ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Шунингдек, касаначиликни ривожлантириш асосий диққат марказимизда бўлди.

Кейинги вақтда жамоа шартномаларида меҳнат шартномасини иш берувчи ташаббуси билан бекор қилишда касаба уюшма қўмитаси розилигини олиш шартлиги белгилаб қўйилмоқда. Бизнинг тармоқда янгидан имзоланган 226 та ҳужжатга шундай банднинг киритилгани фикримиз тасдиғидир. Шунингдек, тизимдаги «Ўзметкомбинат», «Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати» акциядорлик жамиятларида ўта зарарли ва оғир меҳнат шароитларида ишловчилар учун қўшимча таътил бериш имтиёзи киритилди.

Шу билан бирга, иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси томонидан ишчи-хизматчиларнинг меҳнатдаги муваффақиятлари учун турли даражадаги мукофотларга тақдим этиш, юбилей саналарида (50, 55, 60 ёшга тўлганда) моддий ва маънавий рағбатлантириш, корхона профилакторийсига, шунингдек, санаторий ва дам олиш уйларига йўлланмалар тақдим этиш йўли билан рағбатлантириш ҳам кўзда тутилаётир.

Қабул қилинган жамоа шартномаларига ишчи-хизматчилар, пенсионерлар, уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, меҳнат муҳофазаси йўналиши бўйича ходимларни махсус кийим-бош, пойабзал, шахсий ҳимоя воситалари, сут ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш масалалари киритилаётгани иш берувчи ва касаба уюшма қўмитасига бирдек масъулият юклайди.

— Юртбошимиз ташаббуси билан ҳар йили қабул қилинаётган Давлат дастурларини амалга ошириш учун иш берувчи ва касаба уюшма ташкилоти томонидан тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ҳамда уни бажариш ҳар бир бошланғич ташкилотнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

— Албатта, жорий йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили дея эълон қилиниши муносабати билан биринчи чорак давомида кексаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, коммунал хизмат тўловларини тўлаб бериш, ёлғиз қарияларнинг уй-жойларини таъмирлаш ва моддий кўмак бериш учун 55 та корхона ҳисобидан 212 нафар кексалар учун 39 млн. 177 минг сўм ажратилди. Ходимларга пенсияга чиқишдан олдин бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш ва уларни қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаш учун 9 та корхона томонидан 11 нафар кексага 13 млн. 346 минг сўм сарфланди. Тармоқ тизимидаги 198 та корхонада ишлаётган кекса ёшдаги ходимлар ҳамда меҳнат фахрийларининг тарихий шаҳарларимизга саёҳатини уюштириш режалаштирилди.

Ёшларни иш билан таъминлаш, иш ўринлари яратиш, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш каби долзарб вазифаларга ҳам жиддий эътибор қаратилаётир.

Жамоа шартномасини қабул қилиш жараёнида меҳнаткашлар талаб ва истакларини инобатга олсак, уларнинг мазкур ҳужжатга, қолаверса, касаба уюшма ташкилоти фаолиятига муносабати ижобий томонга ўзгаради. Бу муваффақиятларимизнинг асосий мезони бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Суҳбатдош:
Неъмат РАФИҚОВ,
"Ishonch" мухбири

БАНДЛИК

Ўқув йили ниҳоясига етиб бораётган шу кунларда Сирдарё вилоятининг касб-ҳунар коллежларида "Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашда давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан ўзаро ҳамкорлик асосида амалга оширилади-ган вазифалар" мавзусида ўқув-семинарлар ўтказилмоқда.

ҲАМКОРЛИК АСОСИДА

Ховос тумани темирйўл транспорти касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган ўқув-семинарда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Маҳмуд Исаев юртимизда ёшлар учун белгиланган меҳнат ҳуқуқи, Халқаро Меҳнат ташкилотининг Ўзбекистонда ратификация қилинган Конвенцияларида белгиланган меҳнат нормалари ҳақида батафсил тушунчалар берган бўлса, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири Дилмурод Пирманов меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини жамоа шартномалари орқали ҳимоя қилиш тартиблари билан таништирди.

Битирувчилар, шунингдек, туман солиқ инспекцияси бошлиғи Ахтам Ҳамдамовнинг маърузасини қизиқиш билан тингладилар. Ушбу йилдан бошлаб коллежлар битирувчилари учун алоҳида имтиёзлар берилгани, яъни якка тадбиркорлик мақомини олган йигит-қизлар 6 ойгача солиқлардан озод эканликларини билиб олдилар.

Семинарда сўз олган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Камолиддин Оқбўтаев ёшларни яратилаётган имкониятлардан иложи борича кенг фойдаланишга чақириб, бунда ғайрат ва шижоат муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтди.

Семинар савол-жавобларга бой бўлди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
"Ishonch" мухбири

2015-yil 21-may, payshanba, № 63 (3568), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

СОҒЛОМ ХАЛҚ, СОҒЛОМ МИЛЛАТГИНА БУЮК ИШЛАРГА ҚОДИР

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Аҳоли саломатлигини сақлаш бугунги кунинг энг муҳим ва долзарб масалаларидан бири бўлиб қолаётганлиги ҳар биримизни қувонтиради. Айнан истиқлол йилларида тиббиётимиз катта бурилишлар йўлини босиб ўтди, равнақ топди. ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизими учун ҳар йили давлат томонидан ажратиладиган маблағ Марказий Осиё давлатларининкидан анча юқоридир.

Кейинги йилларда аҳоли ўртасида турли касалликларнинг олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирлар кўлами мисли кўрилмаган даражада кенгайиб, шулар ҳисобига 1991 йилдан буён ўтган даврда Ўзбекистонда ўртача умр кўриш 67 ёшдан 73 ёшга етди, аёлларники эса 75 ёшга қадар узайди.

"Дунёда ҳатто глобал инқирозлар рўй берган даврда ҳам Ўзбекистонда аҳолининг саломатлик кўрсаткичлари муттасил ошиб, умр кўриши узаймоқда. Ўзбекистон бу билан ҳақли равишда фахрланса арзийди!" деган эди Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг бош директори Маргарет Чен Тошкентда бўлиб ўтган "Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она — соғлом бола" мавзуидаги халқаро симпозиум очилишидаги нутқида.

Юртимизда кексалик даврига қадам қўяётган кишиларнинг саломатлигини сақлаб, умрини узайтириш масалалари билан шуғулланадиган геронтология соҳаси ривож топди. Кексалар ҳаётини янада узайтириш мақсадида тиббий қўлланмалар ва рисолалар чоп этилмоқда, ҳозирги кунда тиббиёт муассасаларида кексалар учун алоҳида маслаҳат хоналари иш юритаётир.

КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

"Соғлом она — соғлом фарзанд — соғлом жамият" тизими юртимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ йўлга қўйилиб, оналар ва болалар учун махсус шифохоналар қурилди, акушер-гинекологлар ҳамда терапевт-педиатрлар малакаси оширилди, даволашнинг илғор усуллари ўрганилиб, ўзлаштирила бошланди. Саъй-ҳаракатлар ўз натижасини бериб, юртимизда болалар ўртасида учраётган ўта юқумли касалликлар деярли барҳам топди, оналар ва болалар ўлими кескин камайди. Юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида миллий эмлаш тақвими ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра йилига 2,5 миллион бола профилактик тарзда эмланади. Икки йилча аввал "Болаларни асрайлик" халқаро ташкилоти томонидан тузилган 161 мамлакатдан иборат жаҳон рейтингида ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатилаётган давлатлар орасида Ўзбекистон 9-ўринни эгаллагани ҳам бежиз эмас.

Мамлакатимизда ҳар йили 500 мингга яқин ҳомиладор аёллар соғломлаштирилади. Фарзанд кўриш ёшидаги аёлларда камқонликнинг олдини олиш чоралари кўрилади, айниқса, қишлоқ жойлардаги ҳомиладор аёллар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан зарур поливитаминлар билан таъминлаб борилади.

Дунё олимлари тадқиқотларига кўра, 85 фоиз аёллар дори-дармонсиз, шифокор аралашувисиз кўз ёриши мумкин экан. Шу нарса ҳисобга олиниб, жойларда аёлларга "Бехатар оналик" дастури тамойиллари кенг тушунтириб борилаётир. Эндиликда аёлларга ҳомиладорликдан олдин, ҳомиладорлик вақтида, туғруқ жараёнида, туғруқдан сўнг ва чақалоқни парваришлаш даврида тиббий хизмат кўрсатувчи перинатал марказлар иши тобора ривожланмоқда. Скрининг марказларидаги текширувларда эса ҳомиладорликнинг 14-20 ҳафтасида қориндаги болада туғма ривожланиш нуқсонига олиб келувчи омиллар ва ирсий касаллик белгилари аниқланади. Буларнинг ҳаммаси чақалоқларнинг ирсий хасталиклар билан ва нуқсонли туғилишининг хавфини кескин камайтириш имконини беради. Таққослаб кўриладиган бўлса, эндиликда юртимизда туғма нуқсонли ва ногирон болалар туғилиши 2000 йилга нисбатан 14-15 фоизга камайган бўлиб, бу борадаги тизимли ишлар давом эттирилаётир.

Юртимизнинг чекка, олис қишлоқларида энг чиройли биноларда иш юритаётган ҚВПларнинг замонавий сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланганини кўриб, ҳатто хорижлик меҳмонлар ва сайёҳлар қойил қолишмоқда. Аҳолининг тиббий маданиятини янада ошириш энг долзарб вазифа бўлиб турган бугунги кунларда республикамиздаги 3200 дан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари иш фаолиятида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, оилада тиббий маданиятни ошириш ва аҳоли ўртасида профилактика ишларини ўтказиш масалалари тўлалигича қамраб олинган. Айниқса, ёшларнинг репродуктив саломатлиги ҚВПларда ишлаётган умумамалиёт шифокорларининг қатъий назоратида.

ТЕЗ ВА АЪЛО ТИББИЙ ЁРДАМ

Президентимизнинг "Соғлиқни сақлаш тизимини" ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорида 2012-2015 йилларда республикада соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари белгиланган эди. Ўтган йиллар ичида ушбу вазифалар босқичма-босқич муваффақиятли бажарилди. Хусусан, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлиги юксалди, шунингдек, шошилинч тиббий ёрдамнинг мутлақо янги ва бир бутун шакли яратилди. Кишиларга бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш тизими ихчамлаштирилиб, барча ҳудудларда санитария-эпидемиологик аҳволнинг яхшиланишига эришилди.

Республика Шошилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг вилоятлардаги филиалларининг иш фаолияти мазмунан аҳолига кўрсатилаётган шошилинч тиббий ёрдам сифатини оширишга йўналтирилган. Барча ҳудудлар аҳолисига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш ва шифокорларни чақиришдан бошлаб то малакали тиббий ёрдам кўрсатишгача бўлган вақтни қисқартириш мақсадида туман марказий шифохоналарида ҳам шошилинч тиббий ёрдам бўлимлари иш юритмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, Ўзбекистонда аҳоли учун биринчи тиббий ёрдам бепул ҳисобланади. Шошилинч тиббий ва педиатрия ёрдами, туғруқ ва ҳомиладор аёлларга тиббий ёрдам, шунингдек, онкологик, юқумли касалликларни даволаш хизматлари ҳам шу асосда амалга оширилмоқда.

ЖАҲОНИЙ ТАЖРИБАЛАРГА ТАЯНИБ

Юртимиздаги бир қанча илмий-текшириш институтлари мустақиллик йилларида йирик илмий марказларга айлантирилди. Эндиликда кардиология ва кардиожарроҳлик, акушерлик ва гинекология, урология, офталмология ва кўз микрожарроҳлиги, пулмонология ва фтизиатрия, эндокринология каби турли йўналишларда ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий марказлар янгича йўналишда фаолият кўрсата бошлади. Ўндан ортиқ бундай йирик тиббий марказлар энг замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган, уларда беморларни тез ва асоратсиз даволаш имкониятлари мавжуд. Шунингдек, тиббий марказлар ишида янгидан-янги кашфиётлар қилиниб, дунёдаги энг мураккаб ноёб жарроҳлик амалиётлари ҳам ўтказилмоқда. Хаста юракка электрод киритиб, "қиздириш" усули билан издан чиққан ритмни, яъни юрак уришини меъёрга келтириш ишлари бажарилмоқда. Юракни маълум муддатга тўхтатиб қўйиб, унинг ўрнини босувчи мосламани улаш орқали "ишчан аъзо"даги нуқсон бартараф этилмоқда. Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти олимлари эса лейкозга учраган бемор ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида изланишлар олиб бормоқда.

Бугунги даврга келиб юртимизда аҳоли саломатлигини сақлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни халқаро ташкилотлар ҳам моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётир, хорижий давлатлар томонидан имтиёзли кредитлар ва грантлар берилмоқда. Мухтасар айтганда, тиббиётимиз илм-фан жиҳатидан ҳам, амалиёт сифатида ҳам тобора ривожланмоқда.

Юртимиздаги деярли барча тиббиёт муассасаларида иш мутлақо янгича тартибда ташкил этилган, ёш мутахассисларни чет давлатларга юбориб, малакасини ошириш йўлга қўйилган. Германия, Италия, Франция, Австрия, Корея Республикаси ҳамда Япония, Сингапур, АҚШ ва бошқа мамлакатларнинг етакчи клиника ҳамда тиббиёт марказларида ёш мутахассисларнинг малака ошириб қайтаётганликлари ва тиббиётдаги изланишу илгарилашлар туфайли ташхислаш ва даволашда энг сўнгги тажрибаларга суянилмоқда.

Мутахассис кадрларни танлаш ва тарбиялаш ишлари аслида тиббиёт келажагини белгилайди. Айнан шунинг учун ҳам ёш шифокорларнинг касбга масъулиятини оширишга жиддий ёндашилади. Тиббиёт академиялари ва жойлардаги тиббиёт институтларида магистратура талабалари билимини чуқурлаштиришга эътибор кучайтирилмоқда, уларнинг илмий изланишлари учун кенг имкониятлар яратилган. Тиббиётимиз ривожига ҳисса қўшаётган ва фанда янгиликлар яратаётган ёш олимлар сафи тобора кенгаяётганлиги мана шундай қулайлик ва имкониятлар самарасидир.

Донишмандларнинг таъкидлашича, инсонда учта куч мавжуд. Булар — жисмоний, ақлий ва руҳий куч бўлиб, ҳар бири ҳаётий илдизга эга. Яъни, жисмоний куч замирида меҳнат ётади. Ақлий куч асосида билим бор. Руҳий куч эса ахлоқ ва эътиқод маҳсули. Бир-бирини тўлдирувчи мана шу кучлар жамланса, инсон жисмонан баркамолликка ва ақлан камолотга етишади. Бундай одам ҳали танасида юзага чиқмаган хасталикка қарши кураша олади, яъни ўз соғлигини муҳофаза қилади. Саломатлик азиз ва бебаҳо неъмат эканлигини бирор дақиқа унутмайди. Зеро, соғлом яшаш — соғлом фикрлаш дегани. Бу эса, бевосита, жамият тақдирига дахлдор.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист,
Соғлиқни сақлаш аълочиси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ИМТИЁЗ

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига имтиёзлар бериш, қулай шарт-шароитлар яратиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Кичик бизнес субъектларини жадал ривожлантириш ҳамда мамлакат иқтисодиётидаги аҳамияти ва улушини тубдан ошириш мақсадида сўнгги йилларда солиқ юкини енгиллаштириш, солиққа тортиш механизмини соддалаштириш ва солиқ имтиёзларини оптималлаштириш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилди.

ИМКОНИЯТ КАЛИТИ

Хусусан, хусусий секторни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш, мамлакат иқтисодиётида унинг роли ва аҳамиятини тубдан ошириш мақсадида Президентимизнинг фармон ва қарорлари асосида кўплаб енгилликлар яратилмоқда.

Жумладан, Президентимизнинг "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан акциядорлик жамиятлари бошқарув ходимлари сифатида жалб қилинган хорижий мутахассисларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов тўлашдан, фуқароларни Молия вазирлиги ҳузуридаги бюжетдан ташқари пенсия жамғармасига тўланадиган мажбурий суғурта бадаллари ва бошқа даромад солиқларидан озод этиш кўзда тутилган.

Айтиш мумкинки, тадбиркорлик субъектларига берилаётган имтиёзлар юртимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларнинг янада кўпайишига, бунинг натижасида аҳоли бандлиги таъминланишига, энг муҳими, халқимиз турмуш фаровонлиги яхшиланишига хизмат қилади.

Д.ҚОБИЛОВ,
Миробод тумани Давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи

ИНСОН ВА ҚОНУН

Мамлакатимиз Конституцияси, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида", "Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашларига сайловлар тўғрисида"ги Қонунларда юртимизда маҳаллий давлат ҳокимияти органларини шакллантириш тартиби белгилаб қўйилган.

ЮРТ ТАЯНЧИ

Бундай органлар жойлардаги давлат бошқарув идоралари ҳисобланиб, маҳаллий аҳамиятга молик барча масалаларни ўз ваколатлари доирасида ҳал этади. Умумдавлат манфаатларини шу ҳудудда яшаб турган фуқароларнинг манфаатлари билан уйғунлаштиради. Ягона давлат ҳокимиятининг таркибий бўғини сифатида юқори органлар қарорларининг амалга оширилишини таъминлайди.

Конституциямизнинг 101-моддасида маҳаллий ҳокимият органлари қонунлар, Президент фармонлари, давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорларини амалга оширишлари, республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашишлари, юқори органларнинг ўзларига берилган ваколат доирасида қабул қилган қарорлари қуйи органлар ижро этиш учун мажбурийлиги белгиланган. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари иккига бўлинади: маҳаллий вакиллик органлари ва маҳаллий ижроия органлари. Маҳаллий вакиллик органлари ўз фаолиятини коллегиаллик асосида олиб боради. Маҳаллий кенгаш ишининг асосий ташкилий-ҳуқуқий шакли сессия ҳисобланади. Уларнинг барча бўғинлари сайлов йўли билан ташкил қилинади. Қонун вакиллик органларига ҳар томонлама билимга, тажрибага эга, кенг, мустақил фикрловчи шахсларнинг сайланишини ва бу органлар ишчан бўлишини назарда тутади. Халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг ваколат муддати 5 йил бўлиб, туман, шаҳар аҳолиси томонидан сайланадиган халқ депутатларидан иборат.

Маҳаллий ҳокимият органлари қонунийликни, ҳуқуқий-тартибот ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий, маданий ривожлантириш, маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш, маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш, шунингдек, норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Конституция ва қонунларга зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга оширади.

А.ХУДОЙБЕРГАНОВА,
Н.МАМАЮСУПОВ,
ТДЮУ талабалари

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҚУРИЛИШ БЎЙИЧА «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ 2015 ЙИЛГА ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

№ п/п	Объект номи	Бошланғич нархи ҚҚС билан (сўм)	Бошланғич нархи ҚҚС сиз (сўм)	Қурилиш муддати
Лот 23-1	Боёвут туманидаги 13-сонли мактаб учун қўшимча 12х24 ўлчамли спорт зал қурилиши	609 546 196 сўм	507 955 164 сўм	3,5 ой
Лот 23-2	Мирзаобод туманидаги 12-сонли мактаб учун қўшимча 12х24 ўлчамли спорт зал қурилиши	601 301 839 сўм	501 084 866 сўм	3,5 ой

Қурилиш ишларини молиялаштириш: Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачининг манзили: — Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳар М.Ахтамова кўч. 30-уй, тел: 0 (3672) 27-63-86.

Талабгор сифатида қатнашаётан корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: ҳисоб рақамида танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағлари бўлиши, ёки кўрсатиб ўтилган маблағга банк кафолатномаси бўлиши, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, тажрибали ва ишончли бўлишлари, ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги бўлиши шарт.

-2014 йилнинг 1 июлдан бошлаб марказлаштирилган капитал қўйилмалари ҳисобидан молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов (тендер) савдоларига фақат қурилиш-пудрат ташкилотлари Реестрига киритилган ташкилотлар қўйилади.

- Қиймати 500 млн. сўмдан ортиқ бўлган янги қурилиш ва қайта қуриш объектлари буйича танлов савдолари ўтказилаётганда кичик бизнес субъектларига аҳамият берилади.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Гулистон шаҳри, М.Ахтамова кўчаси 30-уйда жойлашган Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги телефон бўйича мурожаат қилишлари мумкин: *Тел (факс): (0 3672) 27-64-42.*

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи 112 740 сўм.

Таклифлар (Оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача. Танлов савдоси матбуотда эълон берилган кундан бошлаб 30 кундан кейин Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сирдарё вилояти ҳудудий консалтинг маркази биносида ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ бошланғич нарх босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:

1. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг савдо, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти тасарруфидаги, Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчасида жойлашган қурилиши тугалланмаган савдо уйи бино-иншоотлари.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи:

Бино ва иншоотларнинг эгаллаган майдони — 2101 кв.м.

Бошланғич нархи — 8 098 163 700 сўм.

Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлигининг савдо, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти.

Фаолияти ихтисоси: Савдо-сотиқ.

2. Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги тасарруфидаги, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчасида жойлашган қурилиши тугалланмаган маъмурий бино-иншоотлари.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи:

Бино ва иншоотларнинг эгаллаган майдони — 2438 кв.м.

Бошланғич нархи — 5 546 214 200 сўм.

Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги.

Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

3. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти тасарруфидаги, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 57-«В»уй манзилида жойлашган омборхона биноси.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи:

Бино ва иншоотларнинг эгаллаган майдони — 85 кв.м.

Бошланғич нархи — 128 404 353 сўм.

Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти.

Фаолияти ихтисоси: Бинолардан фойдаланиш.

Савдо ташкилотчиси: "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Тел/факс: (0-371) 228-84-48. Веб сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2015 йил 22 июн куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А»уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 6-, 20 июл, 3-, 17-, 31 август, 15-, 29 сентябр, 14-, 28 октябр, 11-, 25 ноябр кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечиктирмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: «Ипак йўли» АИТБ Сағбон филиали, ҳ/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; - аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А»уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли «Ишонч телефони»га зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!
"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ

Хорижий ва маҳаллий сармоядорлар ҳамда мулкдор бўлиш истагидаги барча фуқароларни Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар миқёсида ташкил этилаётган оммавий савдоларга таклиф этади. Сиз савдоларда мавжуд бўлган мулк объектлари, уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича маълумотларни www.1kms.uz сайти орқали олишингиз мумкин. Тел: (0 371) 228-84-48, 200-10-01. Факс: 228-80-24.

Хизматлар лицензияланган.

Опубликованный объявления в газете "Ishonch" за №57 от 07.05.2015 года на основании письма заказчика Управление юстиции Навоийской области применяется следующие изменения на стартовой стоимость объектов: По Лоту №1-1. «Капитальный ремонт здания архива ЗАГСа Навоийской области». **Стартовая стоимость заказчика составляет** без НДС 295 145 991 сум, с НДС 354 175 190 сум. По Лоту №1-3. Строительство ограждения и противопожарного резервуара «Бахт уйи» г.Нурота Навоийской области» (перерасчет). **Стартовая стоимость заказчика составляет** без НДС 185 351 570 сум, с НДС 222 421 884 сум. **Другие требования остаются без изменения.**

Услуги лицензированы.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети раҳбарияти ва жамоат ташкилотлари тарих факултети «Давлат ва ҳуқуқ асослари» кафедраси мудири Ҳамидахон Тўйчиевага отаси

Набижон НИШОНБОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

2015-yil 21-may, payshanba, № 63 (3568), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Ўзбек Миллий академик драма театрида «Онам айтган аллалар» республика фестивали ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

АЛЛАНИНГ СЕҲРЛИ ОҲАНГЛАРИ

Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазири вазифасини бажарувчи Б.Аҳмедов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида моддий ва номоддий маданий мерос объектларини асраш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар навқирон авлодни тарихга эҳтиром руҳида камолга етказиш, эзгу қадриятларимизнинг бардавомлигини таъминлашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Алла — ўзининг жозибаси, бетакрорлиги, тингловчига миллий руҳ ва маънавий қудрат бахш этиши билан аҳамиятлидир. Бу қўшиқ инсонийлик, меҳр-оқибат, яхшилик ва эзгу орзулар, баркамол авлод тарбияси каби умуминсоний анъаналарга уйғун.

Халқ амалий педагогикасининг муҳим воситаси бўлган аллани янада оммалаштириш мақсадида фолклоршунос олимлар томонидан алла чуқур ўрганилмоқда. Барча замонда ўз қадр-қимматини йўқотмайдиган бу қўшиқ бола руҳига Ватанга муҳаббат, халқига ҳурмат, ўзи туғилган оилага иззат фазилатларини сингдиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги "2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори асосида номоддий маданий мерос объектларини асраб-авайлаш, келажак авлодларга етказишга оид кўрик-танловлар ўтказилиб, турли лойиҳаларга ёшлар кенг жалб этилмоқда.

Ушбу фестивал халқимизнинг бетакрор маданияти дурдоналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, ёшларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, чекка ҳудудларда халқ оғзаки ижоди намуналарини куйловчи, анъаналарни авлодларга етказувчи иқтидор соҳибаларини аниқлаш уларнинг ижодини кенг тарғиб этишга хизмат қилади.

— Алла фарзанд тарбиясида улкан тарбиявий аҳамиятга эга, — дейди Қашқадарё вилоятининг «Ойдиной» фолклор-этнографик жамоаси аъзоси Меҳринисо Ҳасанова. — Буюк аллома Абу Али ибн Сино чақалоққа мусиқа эшиттириш, ашула ва алла айтиш лозимлигини таъкидлаган. Бу орқали унда жисмоний ҳаракат, фикрлаш ва ижодий интилишга мойиллик, ахлоқий тушунчалар пайдо бўлади.

Фестивалнинг қуйи босқичларида уч юз нафарга яқин ўланчи, лапарчи, фолклор жамоалари вакиллари ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос аллалари билан иштирок этди. Якуний босқичда олтмиш нафар ижрочи маҳорати саҳна маданияти, танланган асарнинг мазмунмоҳияти каби мезонларга кўра баҳоланди. «Энг ёш ижрочи», «Фахрий ижрочи», «Урф-одат ва анъаналар тарғиботчиси», «Саҳна маданияти», «Ижро маҳорати», «Мухлислар олқиши учун» каби йўналишлар бўйича ғолиблар аниқланиб, муносиб тақдирланди.

Барно МЕЛИҚУЛОВА,
ЎзА мухбири.

Суратларда: тадбирдан лавҳалар.

ЎзА фотомухбири Ёлқин ШАМСИДДИНОВ олган суратлар.

Спорт янгиликлари

ТАЭКВОНДО

ШОКИН — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Челябинск шаҳрида таэквондо (WTF) бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида спортчиларимиз Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, олтин ва кумуш медалларни қўлга киритди.

Нуфузли мусобақада 140 дан зиёд давлатдан келган энг кучли таэквондочилар совринли ўринлар ва Олимпия ўйинларига йўлланма берувчи муҳим рейтинг очколари учун баҳслашди.

Вазни 87 кг. дан оғир бўлган таэквондочилар ўртасида Дмитрий Шокин ямайкалик Жейсон Грантни 31:1, италиялик Леонардо Басилени 8:2, германиялик Волкер Водзихни 11:2, кубалик Робелис Деспейнни 7:6, Кот-д'Ивуар вакили Фирмин Зокоуни 11:10 ҳисобида мағлубиятга учратиб, жаҳон чемпионлигини қўлга киритди.

Яна бир тажрибали спортчимиз Жасур Бойқўзиев вазни 87 кг. гача бўлган таэквондо усталари ўртасида, Никита Рафалович 74 кг. гача бўлган таэквондочилар баҳсларида кумуш медални қўлга киритди.

БОКС

МУНОСИБ ИШТИРОК

Россиянинг Хабаровск шаҳрида бокс бўйича анъанавий халқаро турнир якунига етди.

Дунёнинг 14 давлатидан келган 93 нафар чарм қўлқоп устаси иштирокида ўтказилган бу йилги мусобақаларда мамлакатимиз спортчилари ҳам иштирок этдилар.

Қизғин ва муросасиз курашларга бой тарзда кечган мусобақалар якунларига кўра терма жамоамиз аъзолари олтин, 2 та кумуш ва бронза медалга сазовор бўлди.

Терма жамоамиз ҳисобига олтин медални Мирзабек Ҳасанов (-91 кг.) келтирган бўлса, Аброржон Қодиров (-52 кг.) ва Миразизбек Мирзахалилов (-56 кг.) кумуш, Нодиржон Мирзааҳмедов (-49 кг.) эса бронза медалга эга чиқди.

ЮНОН-РУМ КУРАШИ

ТЎРТ МЕДАЛ

Қозоғистонда ташкил этилган халқаро турнирда юртимиз полвонлари иккитадан кумуш ва бронза медалга сазовор бўлди.

Вазни 71 килограмгача бўлган курашчилар ўртасида Данила Морозов ва вазни 80 килограмгача бўлган полвонлар беллашувида Бесики Солдадзе иккинчи ўринга лойиқ топилди.

Шунингдек, Икром Иброҳимов ва Мўминжон Абдуллаев ўз вазн тоифаларида бронза медални қўлга киритди.

Ўз мухбиримиз

2015 ЙИЛ – КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

Мактабимиз Вобкент туманининг чекка ҳудудларидан бирида жойлашган. Бироқ ёшларни баркамол инсонлар қилиб камол топтириш учун шаҳардагидан қолишмайдиган шароитга эгамиз. Ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирлар доирасининг кенгайиб бориши ёшлар тарбиясига, уларнинг дунёқараши замон талабларига мос равишда шаклланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

ДИЙДОР ШИРИН

Кексаларни эъзозлаш йили дастури доирасида қатор ибратли тадбирлар амалга оширилди. Шулардан бирини "Дийдор ширин" деб атадик. Тадбиримизга узоқ йиллар мобайнида мактабимизда, шунингдек, ҳалқ таълими соҳасида самарали меҳнат қилган юз нафарга яқин фахрий устозларни таклиф этдик. Файзли дастурхон атрофида ширин суҳбат бўлди.

Шарафли меҳнатлари билан эл ўртасида ҳурмат қозонган, 70-80 ёшни қаршилаган устозлар Баҳодир Бердиев, Шамси Самадов, Самад Эшонқулов ҳурмат ва эҳтиром учун шогирдларга миннатдорчилик билдириб, дориламон кунларнинг қадрига етиш, шукроналик билан яшаш, саодат эканлигига алоҳида урғу берди.

Насиба ОЧИЛОВА,
Вобкент туманидаги 28-умумтаълим ўрта мактаби ўқитувчиси, касаба уюшма фаоли

ЮРТИМИЗ ҚАДАМЖОЛАРИ БЎЙЛАБ

ФАХРИЙЛАР КЎҲНА САМАРҚАНДДА

Қаламкашлар учрашиб қолгудек бўлса, гурунг қизигандан қизийди. Таҳририятимиз фахрийларининг кўҳна Самарқанд шаҳрига саёҳати ҳам ширин дийдорлашув тарзида кечди.

Эрталаб соат 7:00 да саёҳатчилар Тошкент-Самарқанд йўналиши бўйича қатнайдиган «Afrosiyob» поездида йўлга тушишди. Тезюрар поездда манзилга қандай етиб борилгани сезилмади.

Саёҳат буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий мақбарасини зиёрат қилишдан бошланди. Шундан сўнг фахрийларимиз Амир Темур мақбараси, Бибихоним жомеъ масжиди, Регистон майдони, Шоҳи Зинда меъморий ёдгорлик мақбараси ҳамда кўҳна шаҳарнинг машҳур «Сиёб» бозорида ҳам бўлишди.

— Самарқанд шаҳрида кўп бўлганман, лекин ҳар келганимда ҳайратдан лол бўламан, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, шоир Темур Убайдулло. — Кўҳна обидаларга боққанда шу туйғу мени қамраб олади. Самарқанд шаҳар ўлкашунослик музейида бўлганимизда ҳам қадим тарихимиз ҳақида тасаввуримиз бойиди.

— Юртимизда қарияларга кўрсатилаётган ҳурмат-эътибордан дилингиз яйрайди, — дейди таниқли журналист Саидакром Саидвалиев. — Бизни шунчалик қадрлаб ушбу саёҳатни уюштирганларга минг раҳмат.

Фахрий журналистлар Самарқанд шаҳридан олам-олам таассурот билан қайтишди.

Ўз мухбиримиз

Олам ва одам

Японияниг Fujitsu Ltd. компанияси ёши улуғ, ёлғиз кексаларнинг аҳволидан доимий хабардор бўлиб турувчи махсус тизим ишлаб чиқди. Бу ҳақда "Asahi" нашри хабар бермоқда.

КЕКСАЛАР УЧУН МАХСУС УСКУНА

Ускуна бутун уй бўйлаб жойлаштирилган микрофонлар ёрдамида ишлайди. Гаджетлар ёлғиз кишининг аҳволи ҳақида тўлиқ ва узлуксиз маълумот етказиб туради.

Махсус ускуна қандайдир хавф ёки кекса кишининг аҳволи ёмонлашаётганини сезса, дарҳол унинг яқин қариндошларига ёки шошилинч тиббий хизматга хабар йўллайди.

Ускунанинг ташқи кўриниши компютер овоз кучайтиргич (колонка)ларига ўхшаб кетади. Унда юқори кучга эга процессор ўрнатилган бўлиб, у турли овозларни зумда таҳлил қилади. Гаджет мижозининг юрак уриши, қай даражада йўталаётганини ҳам ҳисобга ололади.

Fujitsu компанияси мазкур ускуналарни жорий йилнинг декабр ойидан сотувга чиқаришни режалаштирмоқда.

Европа кардиология жамияти тадқиқотчилари кунига 15 дақиқа давомида жисмоний машқлар билан шуғулланиш кекса одамларда ўлим хатарини 51 фоизга камайтиришини исботлашди. Бу ҳақда «The Medical» хабар бермоқда.

15 ДАҚИҚАЛИК МАШҚ УМРНИ УЗАЙТИРАДИ

Аввалги тадқиқотларда 5 кун давомида 30 дақиқадан жисмоний машқлар билан шуғулланиш катта ёшдаги одамларда ўлим хавфини 30 фоизга камайтириши исботланганди. Олимлар бу кўрсаткич кекса одамларда ҳам сақланиб қолишқолмаслигини текшириб кўришга қарор қилишган.

Кузатувлар 2001 йилда бошланган. Ўша пайтда тажрибада қатнашаётган минглаб иштирокчиларнинг ёши 65 ёшни ташкил қилган эди. Олимлар уларнинг ҳаёт тарзи ва саломатликларини кузатиб боришди. Тадқиқот натижалари жисмоний машқларга ҳафтасига аввал тавсия қилинган 150 дақиқа ажратган одамларда жисмоний фаоллиги минимал бўлган одамларга нисбатан ўлим хатари 57 фоизга камроқ бўлганини кўрсатган. Шу билан бирга, кунига 15 дақиқа давомида спорт билан шуғулланганларда ҳам бу кўрсаткич юқори бўлган, яъни 51 фоиздан кам бўлмаган натижани кўрсатган.

Олимларнинг фикрича, катта ёшдаги одамлар учун енгил турдаги жисмоний машқлар уларда ўлим хавфини сезиларли даражада камайтириш учун етарлидир. Бундай машқлар ўз ичига шаҳдам қадамлар билан юриш, велосипед ҳайдаш, сузиш ёки гимнастика билан шуғулланишни олиши мумкин.

Голландияда қуёш батареяларида ишловчи автомобил сотувга қўйилди. Мазкур улов Твенте университетининг бир гуруҳ олимлари томонидан тўрт йил аввал яратилганди. Бу ҳақда ТАСС ахборот агентлиги хабар тарқатди.

ҚУЁШДАН ҚУВВАТ ОЛУВЧИ АВТОМОБИЛ СОТУВДА

21Connect номли автомобил 2011 йилда ташкил этилган, қуёш батареяларида ишловчи автомобиллар пойгасида 4 минг км. масофани муваффақиятли босиб ўтганди.

Сотувга қўйилган уловнинг бошланғич нархи 150 евро этиб белгиланди. Лекин кун ярмига келиб, унинг нархи 385 минг еврога кўтарилиб кетди. Ихтирочилар сотувдан тушган маблағга янги автомобилларни бунёд қилишни режалаштирган.

Ихтирочилардан бири Жюстин Уолтерснинг берган маълумотларига кўра, автомобил 140 км. соат тезликда ҳаракатлана олади. У, шунингдек, уловнинг барча қисмлари махсус буюртма асосида қўлда йиғиб чиқилганини таъкидлади.

Интернет материаллари асосида А.АРСЛОНОВ тайёрлади.

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir v.b. Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati: Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamadjanov *(bosh muharrir o'rinbosari)*, Akmal Toshev

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-94) 418-67-49
Navoiy — (+998-94) 228-13-00
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Samarqand — (+998-93) 352-50-87
Sirdaryo — (+99890) 999-58-30
Surxondaryo — (+998-95) 502-68-99
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir: T.Shernayev
Navbatchi: J.Ergashev
Musahhih: S.Shodiyeva
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — **21:20**
Topshirildi — **22:50**
1 2 3 5 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma Г — 515.
19209 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133